Куч — адолатда

2011 йил,
23 декабрь,
жума
№ 50 (356)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2012 йилга юртимизда Мустаҳкам оила йили, деб ном берилиши оилани янада мустаҳкамлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканининг яна бир ёрқин тасдиғи бўлди.



ОИЛА — ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, халқимиз учун азал-азалдан муқаддас бўлмиш оила ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғинидир. Бинобарин, яқинлашиб келаётган 2012 йилнинг Мустаҳкам оила йили деб аталиши замирида катта маъно-моҳият мужассам. Чунки оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат кучли ва барқарор бўлади.

Вилоятимизда 25 мингга яқин оила истиқомат қилади. Ватан ичида мўъжаз Ватан бўлган бу оилалар жамиятимизнинг муҳим таркибий қисми сифатида давлатимизнинг доимий эътибор ва ғамхўрлигидан баҳраманд бўлиб келмоқда. Бундай хайрли ишларни амалга оширишда тегишли давлат идоралари, муассасалари, турли жамоат бирлашмалари қаторида республика «Оила» илмий-амалий марказининг жойларда фаолият олиб бораётган бўлимлари ҳам алоҳида ўрин тутади.

Марказимиз давлат ва жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда оилани мустаҳкамлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича Давлат дастурларини амалга оширишда фаол иштирок этаётир. Хусусан, Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелда қабул қилинган «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ҳокимликлар, давлат идоралари ва муассасалари билан биргаликда изчил иш олиб бормоқдамиз. Чунончи, барча шаҳар ва туман фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари қошида ташкил этилган «Оила мактаби» самарали фаолият юритмоқда. Ҳар йили бу мактабларнинг машғулотларида 10 мингдан зиёд бўлажак келин-куёвлар қатнашмоқда.

(Давоми тўртинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг

ҚАРОРИ

2011 йил 25 ноябрь № 09-11 Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибини бузишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибини бузишга оид ишлар бўйича суд амалиётида масалалар келиб чиққанлиги муносабати билан ҳамда мазкур тоифадаги ишларни кўриб чиқишда судлар томонидан йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш мақсадида, «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикасига эркин келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга бўлиб, қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтиш тартиби қуйидагилар билан тартибга солинади:

1999 йил 20 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги Қонун (бундан буён — Қонун);

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 6 январдаги 8-сонли Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши Тартиби» (бундан буён — фуқаролар кириш-чиқиш Тартиби);

(Давоми иккинчи бетда)

Янги — 2012 йил кириб келишига саноқли кунлар қолди. Эришилган ютуқлар, забт этилган марралар сарҳисоб қилинаётган бугунги фараҳбахш дамларда юртдошларимизнинг кўнгилларида кўтаринкилик, эртанги кунга ишонч, юзларида эса мамнунлик ифодаси уфуриб турибди. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан 2012 йилнинг юртимизда «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилингани барчанинг қалбида чексиз фахр-ифтихор туйғуларини уйғотди.

Munosabat

Мунаввар кунлар қадри

Маълумки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳар бир йилга муайян ном бериш анъана тусига кирди. Конституциямизнинг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда давлатимиз раҳбари таъкидланганидек, аввало, ҳар қайси йилга ном беришдан асосий мақсад — бутун халқимиз, жамиятимизнинг орзуния ва интилишларини ифода этадиган, эртанги кунимизнинг равнақига хизмат қиладиган энг устувор йўналишларни аниқ белгилаб олиш ва уни амалга ошириш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишдан иборат.

(Давоми учинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Бола ҳуқуқлари суд ҳимоясида

Маълумки, жамият тараққиётида маънан баркамол, руҳан соғлом авлодни вояга етказиш муҳим ўрин тутади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз лозим.

(Давоми учинчи бетда)

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, хусусан, жиноий жазо тизимини эркинлаштиришга доир чора-тадбирлар улкан ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этмоқда. Қонунчилигимизда халқимизга хос бағрикенглик ва кечиримлилик тамойиллари ўз ифодасини топаётгани инсон манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилмоқда.

Qaror va ijro

Бағрикенгликнинг юксак намунаси

Давлатимиз раҳбари тақдимномасига биноан шу йил 5 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг **"Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"**ги қарорининг қабул қилиниши инсонпарварлик тамойилининг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш бош бошқармасида бўлиб ўтган мазкур қарор ижросига бағишланган йиғилишда шулар ҳақида гап борди. Унда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари А.Шодиев, Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси С.Ортиқова, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Х.Ҳалимов ва бошқалар мамлакатимизда барча соҳаларда, хусусан, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, аввало, инсон манфаатларини таъминлашга, инсонпарварлик, меҳр-шафқат ва бағрикенглик тамойилларини мустаҳкам қарор топтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Эркин фуқаролик жамияти барпо этилаётган мамлакатимизда амнистия акти инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият эканлигини кўрсатадиган муҳим ҳужжатдир. Чунки шу асосда билиб-билмай жиноят содир этган ва жазога тортилган, лекин кейинчалик хатосини тушуниб етган шахслар оиласи бағрига қайтади. Бундай бағрикенгликдан баҳраманд бўлган кишилар кўпинча қайта жиноят қилмасликка, ҳалол меҳнат билан жамият равнақига ҳисса қўшишга ҳаракат қилади.

Йиғилишда қарорнинг мазмун-моҳияти, ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар юзасидан батафсил маълумот берилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатимиз пойтахтида кашф этилган телевидение бугун бутун жаҳонда ахборот олишга бўлган эҳтиёжни қондирувчи энг асосий воситага айланиб улгурди. Ўз навбатида, телекоммуникация соҳасининг жадал суръатларда тараққий топаётгани, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларни узатиш тизимига энг замонавий технологиялар жорий этилаётгани, рақамли, мобиль ва интернет телевидение каби мутлақо янги медиа тузилмаларнинг ҳаётимизга кириб келиши мазкур тизимдаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик базасини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Qonun ijodkorligi

Кафолатли ахборот олиш ҳуқуқи

бу борадаги ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилмоқда

Дарҳақиқат, Президентимиз томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисида тақдим этилган **Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида** бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтилгани бежиз эмас. Концепцияда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш йўналишида давлатимиз раҳбари таклиф этган қонун ташаббусларидан бири бу — медиа бозорнинг энг муҳим тармоқларидан бири бўлган телерадио тизимини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва ривожлантиришга қаратилган **"Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида"**ги қонунни қабул қилишдир. Шунингдек, амалдаги **"Телекоммуникациялар тўғрисида"**ги қонунни янада такомиллаштириш, рақамли телерадиоэшиттириш тизимига ўтиш бўйича тадбирлар давлат дастурини ишлаб чиқиш ҳам мамлакатимизда ушбу соҳанинг янада ривожланишида асосий омил бўлиши шубҳасиз.

(Давоми учинчи бетда)

Qonun ko`magi

Шартнома ижроси билан кучли

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, бозор иқтисодиёти талабларидан бири бу — шартномавий муносабатларга қатъий риоя этишдан иборатдир. Зеро, шартнома хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

Мамлакатимизда шартномавий муносабатлар амалдаги Фуқаролик кодекси, **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Давлатимиз томонидан қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида шартномавий муносабатларни тартибга солишга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги **"Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда шартнома муносабатларини такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори ҳам шу мақсадга хизмат қилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг

ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибини бузишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сонли Қарори билан тасдиқланган «Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ва Ўзбекистон Республикасидан кетишлари Тартиби" (бундан буён-чет эл фуқаролари киришчиқиш Тартиби);

бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан.

2. Судларга тушунтирилсинки, Жиноят кодексининг 223-моддасида назарда тутилган жиноий жавобгарлик шахс чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш ёхуд Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтиш юзасидан белгиланган тартибни фақат қасддан бузган ҳоллардагина келиб чиқади.

Шахс томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибининг эҳтиётсизлик оқибатида (масалан, ориентирни йўқотиш оқибатида) ёки ноиложликдан (масалан, табиий офат ёки техноген хусусиятга эга ҳодиса, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид этиш оқибатида) бузилиши мазкур жиноят таркибини ташкил этмайди.

Сиёсий бошпана ҳуқуқидан фойдаланиш учун кириш ҳужжатларини тегишли даражада расмийлаштирмасдан Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Жиноят кодексининг 223-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилмайдилар.

3. Жиноят кодексининг 223-моддаси биринчи қисми диспозициясига кўра, мазкур жиноят қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш, қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига кириш ёки қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан ўтишда ифодаланган бир ёки бир неча ҳаракатлар кўринишида содир этилиши мумкин.

Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш, қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига кириш деганда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасининг белгиланган ўтказиш пунктлари орқали (Қонуннинг 12-моддаси), бироқ белгиланган ҳужжатларсиз ёки Ўзбекистон Республикасининг ваколатли давлат органлари томонидан бериладиган тегишли рухсатномасиз кесиб ўтилиши тушунилиши лозим.

Қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан ўтиш деганда, жумладан, ҳақиқий ҳужжатлар ва кириш-чиқишга рухсатнома бор-йўқлигидан қатъий назар, унинг белгиланган ўтказиш пунктларидан ташқари жойдан кесиб ўтилиши тушунилиши лозим.

4. Ўзбекистон Республикасига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар асос бўлади:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун — амалдаги паспорт (дипломатик паспорт), паспортнинг амал қилиш муддати чет элда ўтган, у яроқсиз бўлиб қолган ёки йўқотилган, шунингдек, қонунчиликда назарда тутилган бошқа (фамилияси, исми, отасининг исми, туғилиш санаси ўзгарган) ҳолларда — Ўзбекистон Республикасига қайтиш сертификати ва фуқаролар кириш-чиқиш Тартиби V бўлимида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун амалдаги миллий паспорт (дипломатик паспорт), шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат, Ўзбекистон Республикасига кириш учун (кириш, транзит) виза ва чет эл фуқаролари киришчиқиш Тартиби II бўлимида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар.

5. Ўзбекистон Республикасидан чиқиш учун қуйидаги ҳужжатлар асос бўлади:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун — амалдаги паспорт (дипломатик паспорт), унда чет элга чиқиш учун рухсатнома ёзуви стикери (бундан буён — стикер) мавжудлиги, чет эл давлатига кириш визаси (кириш учун кириш визаси расмийлаштирилиши талаб этилмайдиган МДҲ мамлакатлари бундан мустасно), амалдаги йўл ҳужжати (чипта), божхона органи мансабдор шахси белгиси қўйилган божхона декларацияси ва фуқаролар киришчиқиш Тартиби I, II бўлимларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун — амалдаги миллий паспорт (дипломатик паспорт), шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат, Ўзбекистон Республикасига кириш-чиқиш учун виза, амалдаги йўл ҳужжати (чипта), божхона органи мансабдор шахси белгиси қўйилган божхона декларацияси ва чет эл фуқаролари киришчиқиш Тартиби I, III бўлимларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар.

6. Белгиланган тартибга кўра, кириш-чиқиш учун визасиз режим ўрнатилган МДҲ мамлакатларига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чиқиши учун стикер расмийлаштирилиши талаб этилмайди (фуқаролар кириш-чиқиш Тартиби I бўлими 2-банди). Бироқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда айрим мамлакатлар билан визасиз режим мавжудлигидан қатъий назар, муайян тоифадаги фуқароларнинг (масалан, ҳарбий хизматчилар, давлат сири бўлган маълумотлардан хабардор шахслар ва ҳ.к.ларнинг) чет элга чиқиши учун бошқача тартиб белгиланиши мумкин (фуқаролар кириш-чиқиш Тартиби I бўлими 3-банди, II бўлими 4-банди). Бинобарин, мазкур тоифадаги шахсларнинг кириш визаси расмийлаштирилиши талаб этилмайдиган МДҲ мамлакатларига махсус рухсатсиз чиқиши уларнинг Жиноят кодексининг 223-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

7. Қонунчиликка мувофиқ, кириш учун кириш визаси расмийлаштирилиши талаб этилмайдиган мамлакатларга вақтинча яшаш (хизмат сафарига, ўқишга, контракт бўйича ишлашга ва ҳ.к.) учун чиқиб кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, кириш визаси расмийлаштирилиши талаб этиладиган учинчи бир мамлакатга чиқиш зарурати бўлган ҳолларда, Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консуллик муассасаларига ўша мамлакатга кириш учун стикер расмийлаштириш ҳақида ариза билан мурожаат қилишлари лозим (фуқаролар кириш-чиқиш Тартиби II бўлими 5 банди). Бундай тартибга риоя этмаслик қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш сифатида баҳоланиб, жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

8. Жиноят кодексининг 223-моддасида назарда тутилган жиноят Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси чизиғи кесиб ўтилган пайтдан бошлаб, Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида эса, чегара назоратидан ўтилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

9. Судларга тушунтирилсинки, агар жиноят Давлат чегарасини ёриб ўтиш йўли билан содир этилган бўлса, шахснинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 223-моддаси иккинчи қисми "а" банди билан квалификация қилиниши лозим. Бунда ёриб ўтиш деганда, жумладан, қўриқланадиган Давлат чегарасини чегара постига ёки чегарачилар нарядига ҳужум қилиш, чегара қўшинларининг қонуний фаолиятига бошқача фаол қаршилик кўрсатиш (масалан, Давлат чегараси режими талабларига очиқдан-очиқ бўйсунмаслик, ўзининг хизмат вазифасини бажаришдан воз кечишга мажбур қилиш), Давлат чегарасини қўриқлашга доир техник воситаларни нобуд қилиш ёки уларга шикаст етказиш ва ҳ.к. йўли билан кесиб ўтишда ифодаланган ҳаракатлар тушунилиши лозим.

Агар Давлат чегарасини ёриб ўтиш пайтида айбдор томонидан Давлат чегарасини қўриқловчи шахс баданига қасддан оғир шикаст етказилган ёки у қасддан ўлдирилган бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг 223-моддаси ва тегишлича Жиноят кодексининг 104, 97-моддаларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим. Бундай ҳолатларда қасддан баданга енгил ёки ўртача оғирликдаги тан жароҳати, шунингдек, мулкий зиён етказилиши Жиноят кодексининг 223-моддаси иккинчи қисми диспозицияси билан қамраб олинади ва тегишлича, Жиноят кодексининг 105, 109 ва 173-моддалари билан қўшимча квалификация қилинишини талаб этмайди.

10. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, Жиноят кодексининг 223-моддаси иккинчи қисми "в" бандида назарда тутилган жиноят субъекти бўлиб, фақат "Чет элга боришлари махсус розиликни талаб этадиган мансабдор шахслар рўйхати"га киритилган мансабдор шахслар бўла оладилар (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 6 январдаги 8-сонли қарорига 4-илова).

11. Агар шахс қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш, қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига кириш ёки қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан ўтиш пайтида бошқа жиноятлар (ҳужжатларни қалбакилаштириш, қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиш, контрабанда, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ва бошқалар) содир этган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари содир этилган жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим.

Чегарачилар наряди таркибида бўлган шахс томонидан чегара хизматини ўташ қоидаларини бузиш, агар бу қилмиш қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан ўтишга олиб келган бўлса, Жиноят кодексининг 294-моддаси иккинчи қисми "а" банди билан квалификация қилинади ва Жиноят кодексининг 223-моддаси билан қўшимча квалификация қилинишини талаб этмайди.

12. Жиноят кодексининг 223-моддаси диспозицияси бланкет норма бўлганлиги туфайли, шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорда дастлабки тергов органлари шахс томонидан чет элга чиқиш, Ўзбекистон Республикасига кириш, Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан ўтиш тартибини белгиловчи айнан қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжат талаби бузилганлигини аниқ кўрсатишлари шарт. Суд ҳукмида ҳам мазкур жиноятни содир этишда айбдор, деб топилган шахснинг ҳаракатларида Жиноят кодексининг 223-моддасида назарда тутилган белгилардан қайси бири мавжудлиги аниқ кўрсатилиши лозим.

Дастлабки тергов органлари ва судлар томонидан жиноят-процессуал қонуни (ЖПК 419-моддаси) талабларига риоя этилмаслиги иш бўйича чиқарилган суд қарорлари бекор қилинишига ва ишнинг қўшимча тергов юритиш учун қайтарилишига сабаб бўлади.

13. Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш, қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига кириш, қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан ўтишга доир ишларни кўриш вақтида судлар, эҳтиётсизлик оқибатида Давлат чегарасини кесиб ўтиш тартиби бузилишига йўл қўйган шахсларнинг ноқонуний судланиши ҳолларини истисно этиш мақсадида, айбдорнинг ҳаракатлари хусусиятини синчковлик билан аниқлашлари зарур. Иш бўйича шахс қонунга хилоф равишда жиноий жавобгарликка тортилганлиги факти аниқланган ҳолда суд бунга тегишли муносабат билдириб, жиноят ишини юритишга масъул давлат органлари мансабдор шахсларига нисбатан хусусий ажрим чиқариши керак.

Мазкур тоифага доир ҳар бир иш бўйича айбдор шахсга нисбатан адолатли, қилмишга мутаносиб жазо белгилаш мақсадида судлар, шунингдек, жиноятнинг содир этилиши мотивини, моддий зарар етказилган-етказилмаганлигини, етказилган моддий зарар миқдорини аниқлашлари лозим.

14. Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш, қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига кириш, қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан ўтишга доир ишларни кўриш бўйича суд амалиётини вақти-вақти билан умумлаштиришлари, бу тоифадаги ишлар бўйича суд қарорлари қонунийлиги ва асослилигини чуқур текширишлари, йўл қўйилган моддий ва процессуал қонун бузилишларини ўз вақтида бартараф этишлари лозим.

Олий суд раиси

Пленум котиби,
Олий суд судьяси

Б.МУСТАФОЕВ

В.НАЗАРОВ

Qaror va ijro

Бағрикенгликнинг юксак намунаси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

— Амнистия ҳақидаги қарорнинг энг муҳим жиҳатларига тўхталадиган бўлсак, унинг биринчи бандида аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшдан ошган эркаклар ва чет давлат фуқароларини озодликка чиқариш масаласига алоҳида эътибор қаратилган, — **дейди Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси Ёқуб ЗИЁДУЛЛАЕВ.** — Бу мамлакатимизда инсон манфаатларини кўзлаб юритилаётган сиёсат, амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятига тўлиқ ҳамоҳанг бўлиб, юксак бағрикенглик намунасидир. Шу билан бирга, қарорнинг иккинчи ва учинчи бандларида эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар ҳамда биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, шунингдек, ушбу қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган деб топилган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилиниши кўрсатилган. Бу билмай адашган кишини кечириш, хатосидан тўғри хулоса чиқаришга имкон бериш, ёрдамга муҳтож кишиларга мурувват кўрсатишга одатланган халқимизга хос фазилатларга тўлиқ мос. Қарорнинг бошқа бандларида ҳам ана шундай хусусиятларни кўриш мумкин.

Айтиш жоизки, ҳозирги кунда Сенатнинг тегишли қўмита ва комиссиялари ушбу амнистия актининг жамоатчилик назорати остида ва очиқ-ошкоралик билан қўлланилишида депутатлар корпусининг бевосита иштирокини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга ошираётир. Жумладан сенаторлар, депутатлар, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг минтақавий вакилларидан иборат ишчи гуруҳлари тузилган. Амнистияни қўллаш жараёни устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш институтининг шакллантирилгани мамлакатимизда жамиятни демократлаштириш жараёнида инсон ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан нодавлат ташкилотларнинг роли ва таъсири кучаяётганидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва "Маҳалла" хайрия жамғармаси масъул ходимлари, суд, прокуратура ва ички ишлар тизимидаги соҳавий хизматлар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган йиғилишда мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотлари ўзаро ҳамкорликда зарур ташкилий-ҳуқуқий тадбирларни ўз вақтида амалга ошириши зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда жазони ижро этиш жойларидан қайтиши кутилаётган шахсларнинг жамиятга мослашишига шароит яратиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларни иш билан таъминлаш, ёлғиз ва ёрдамга муҳтожларга тегишли ёрдам кўрсатиш, вояга етмаганлар ўз ота-оналари ёки васийлик органларининг назоратига топширилиши, тиббий ёрдамга муҳтожларга соғлиғини тиклаши учун шароит яратишга оид чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
журналист

Qonun ko`magi

Шартнома ижроси билан кучли

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ушбу қарор билан тасдиқланган Низом меъёрлари қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларнинг шартнома муносабатларидаги устувор мавқеини белгилаб берди. Унда тузиладиган шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилишининг аниқ муддати, мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик ҳам назарда тутилди.

Бу эса фермер хўжаликлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Эндиликда улар қишлоқ хўжалигида агротехника тадбирларини ўз вақтида амалга ошириши ҳамда барча турдаги шартнома мажбуриятларини бажариши лозим. Шундагина хўжалик кўзлаган мақсадига эришади.



Ҳаётда шартномавий муносабатларга лоқайд қарайдиган, зиммасидаги мажбуриятларни ўз вақтида бажармайдиган фермер хўжаликлари ҳам учраб туради. Мисол учун "Фарғонадонмаҳсулотлари" очиқ акциядорлик жамияти ва "Юнусали" фермер хўжалиги ўртасида давлат эҳтиёжи учун 107,0 тонна дон харид қилиш бўйича контрактация шартномаси тузилган. Шартномага асосан хўжалик томонидан 81,9 тонна бошоқли дон етказиб берилиб, шартнома мажбурияти 25,1 тоннага бажарилмаган. Шунга кўра, Фарғона вилояти адлия бошқармаси томонидан Фарғона вилояти хўжалик судига "Фарғонадонмаҳсулотлари" очиқ акциядорлик жамияти фойдасига "Юнусали" фермер хўжалигидан етказиб берилмаган маҳсулот қийматининг 25 фоизи миқдорида жарима ундириш юзасидан даъво аризаси киритилди. Суднинг ҳал қилув қарорига асосан 1.200.000 сўм жарима ундирилиши таъминланди.

Контрактация шартномасига мувофиқ топширилган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти учун ҳақ тўлашдан асоссиз бош тортилганда (хўжаликка тегишли суммаларни, белгиланган устамаларни ҳам қўшиб, ўз вақтида ҳисоблаб ўтказмаганлик, ҳисоб-китобларнинг акцепт шаклида эса тўлов топшириғи акцептини асоссиз тўлиқ ёки қисман рад этганда) тайёрлов ташкилоти хўжаликка тўланмаган суммани, ўзи тўлашдан бош тортган суммани 15 фоизи миқдоридаги жаримани тўлайди. Тайёрлов ташкилоти жаримадан ташқари хўжаликка муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган суммани 0,4 фоизи миқдорида, бироқ муддати ўтказиб юборилган суммани 50 фоизидан ортиқ бўлмаган пеня тўлайди.

Айрим тайёрлов корхоналари томонидан фермер хўжаликлари етказиб бераётган бошоқли дон, пахта ва пилла хомашёси қийматини шартномада белгиланган муддатларда тўламаслик ҳоллари ҳам учраб туради. Жумладан, "Тошлоқ пахта тозалаш заводи" акциядорлик жамияти ва "Расулбек Абдужалилзода" фермер хўжалиги ўртасида пахта хомашёси ва уруғлик пахта харид қилиш юзасидан тузилган 103-сонли контрактация шартномасига асосан етказиб берилган маҳсулот қийматининг 90 фоизлик қиймати ҳисобидан 6.601.700 сўми белгиланган муддатда тўланмаганлиги аниқланган. Шунга кўра, вилоят адлия бошқармаси томонидан фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб хўжалик судига "Тошлоқ пахта тозалаш заводи" акциядорлик жамиятидан асосий қарз ва пеня ундириш юзасидан даъво аризаси киритилди. Суднинг ҳал қилув қарорига асосан 6.601.700 сўм асосий қарз, 400.000 сўм пеня ундирилиши таъминланди.

Хулоса қилиб айтганда, шартнома интизомига риоя этилишини кузатиш жараёнида кўпроқ тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликлари ҳуқуқлари ҳимоя қилинмоқда. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг фаолияти янада равнақ топишига, пировардида умумиқтисодиётимиз ривожига хизмат қилади.

Абдуваққос ЯҚУБОВ,
Фарғона вилояти адлия бошқармаси етакчи маслаҳатчиси

Saboq

Масъулиятни

Мустақиллик йилларида барча соҳаларда бўлгани каби мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида ҳам босқичма-босқич ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Қонунчилигимиз йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Бундан кўзланган ягона мақсад — фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, мамлакатимизда мустақиллик йилларида нафақат автомобилларнинг сони ошди, балки уларнинг янги ва замонавий русумлари ҳам кўпайди. Бундан йигирма йил муқаддам бир қишлоқ ёки маҳаллада иккита, нари борса уч-тўртта автомобиль бўлгани ёдимизда. Бугунги кунга келиб эса, айрим оилаларда икки-учтадан енгил машина бор. Албатта, бу фуқароларимизнинг турмуш фаровонлиги йилдан-йилга ошиб бораётганидан далолатдир.

Албатта, йўлларимизда автомашиналар қатновининг кўпайгани аввало, ҳар бир ҳайдовчидан ҳушёрлик ва масъулиятни бир дам бўлса-да, унутмасликни, йўл ҳаракати қоидаларига қатъий амал қилишни талаб этади.

Эътиборли томони шундаки, бу борадаги қонунчилик асолари ҳам изчиллик билан такомиллаштириб борилмоқда. Жумладан 2011 йил 26 апрелда **"Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги қонун қабул қилинди.

Қонунга кўра, амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 131-моддасига ўзгартириш киритилиб, биринчи қисмида транспорт воситаларини алкоголли ичимлик, гиёҳванд модда таъсирида ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқарганлик учун транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йилу олти ойдан уч йилгача маҳрум қилиш жазоси белгиланди.

Мазкур модданинг иккинчи ва учинчи қисмларига кўра, худди шундай ҳуқуқбузарлик транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан содир этилган тақдирда, энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз баравари миқдорида жарима ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоқ жазоси белгиланади.

Тўртинчи қисм эса, учинчи қисм қилиб белгиланди, яъни алкоголли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсирида ёки ўзгача тарзда маст шахсга транспорт воситасини бошқаришни топширганлик учун энг кам иш ҳақининг ўн беш баравари миқдорида жарима солиш ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан икки йилдан уч йил муддатгача маҳрум этиш белгилаб қўйилди.

Qonun ijodkorligi

Кафолатли ахборот олиш ҳуқуқи

бу борадаги ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ушбу қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши телерадиоэшиттиришлар тизими фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини ва молиялаштириш манбаларининг эркинлиги ҳамда мустақиллиги принципларини белгилаб беради. Жумладан, эфир орқали узатиладиган дастурларни тайёрлаш жараёнига замонавий рақамли ва мультимедиа технологияларини кенг жорий қилиш, соҳани мустақил қудратли индустрия сифатида қайта ташкил этиш, телерадиоэшиттиришларнинг янги шакл ва турлари ривожланиши учун ҳуқуқий асосларни яратиш **"Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида"**ги янги қонунда ўз ифодасини топиши мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, телерадиодастурларни тайёрлаш ва тарқатиш тизимида соғлом рақобатни янада кучайтириш, радиочастоталарни олиш учун ўтказиладиган танловларнинг ошкоралигини таъминлаш, телерадио соҳасидаги асосий тамойилларни белгилаш, бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда телеиндустриянинг истиқболли янги тармоқларини ташкил қилиш ушбу қонуннинг устувор йўналиши ҳисобланади.

Маълумки, мамлакатимизда рақамли телерадиоэшиттириш тизимига ўтиш бўйича тадбирлар Давлат дастурига биноан рақамли телерадиоэшиттиришлар инфратузилмасини шакллантириш, бу борадаги фаолиятни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга соладиган самарали тизимни яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу билан, энг аввало, фуқароларнинг тезкор, сифатли, кенг кўламли ва самарали ахборот олишларига янада қулай имкониятлар пайдо бўлади. Биринчидан, ҳозирги вақтда истеъмолда бўлган аналогли форматнинг битта частотасида битта канал мавжуд бўлса, рақамли форматда бу кўрсаткич 12 тани ташкил этади. Бундан ташқари рақамли форматда тасвир ва товуш сифати ўта юқорилиги, телевизион дастурларни компьютер, уяли телефон ва бошқа телекоммуникация воситалари орқали қабул қилиш, интернет глобал тармоғи билан улана олиш, қатор интерфаол хизматлар кўрсатиш имкони борлиги аҳоли учун қулайлик яратади.

Албатта, рақамли телевидениега ўтиш учун меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантириш, бунинг учун соҳага оид қонун ҳужжатларига радиочастоталарни тақсимлаш тартиби ва процедураси, телерадиоэшиттиришлар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш, телеканалларни дастурий тўлдириш тамойил ва талаблари (контент), муаллифлик ҳуқуқлари ва аралаш ҳуқуқларни муҳофаза қилишга доир ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозим.

Шунингдек, рақамли телерадиоэшиттириш хизматларини кўрсатиш ва ўзаро ҳисоб-китоб қилиш, хизматларни тарификациялаш, технологик воситаларни техник эксплуатация қилиш, ҳудудларда аналог форматли эшиттиришларни босқичма-босқич тўхтатиш, мажбурий сертификатлаштириш лозим бўлган рақамли телерадиоэшиттириш ускуналарининг рўйхати, тартиб-қоидалари, рақамли узатувчи ва қабул қилувчи ускуналар учун халқаро талаблар даражасидаги қоидалар, миллий стандартларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш зарур.

Шу ўринда телерадиоэшиттиришлар тармоғини модернизация қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш даркор. Яъни янги рақамли узатгичларни ўрнатиш, алоқа линияларини барпо этиш, республика ва ҳудудлардаги телеканалларни бирлаштириш, телерадиокомпаниялар студияларини қайта жиҳозлаш, кабель телевидениеси, маълумотлар узатиш, уяли алоқа тармоқларини ҳам модернизациялаш, малакали кадрларни тайёрлаш долзарб аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, айни вақтда Тошкент шаҳрида учта, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида биттадан рақамли узатгичлар орқали теладастурлар эфирга узатилмоқда. Нукус ва Урганч шаҳарларида эса, биттадан рақамли узатгич синовдан ўтказилаётир.

Навоий эркин индустриал иқтисодий зонасида рақамли қурилмалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, жорий йилда 50 минг дона ана шундай техник восита тайёрланиши режалаштирилган.

Таъкидлаш лозимки, 2015 йилгача мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисми, 2018 йилгача эса, фуқароларимиз истиқомат қиладиган барча ҳудудлар рақамли телевидение билан қамраб олиниши кўзда тутилган.

Албатта, мамлакатимизда мутлақо янги йўналиш бўлган рақамли телевидениега ўтишнинг ҳуқуқий механизмларини яратиш ва такомиллаштириш келгусида бу соҳанинг ривожи учун хизмат қилади. Шу боис соҳага оид ҳуқуқий меъёрларнинг қонунларда мустаҳкамлаб қўйилиши бугун олдимизда турган энг долзарб вазифалардан биридир. Бу борада депутатлар, экспертлар, ҳуқуқшунослар ва мутахассислар ана шу масъулиятни теран ҳис этган ҳолда фаолият юритишлари келгусида мамлакатимизнинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ҳам дунёнинг энг илғор демократик давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашида муҳим аҳамият касб этади.

Олимжон ЎСАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Munosabat

Мунаввар кунлар қадри

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Айтиш жоизки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда оила институтини ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Оила жамиятнинг асосий бўғини бўлиб, у жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳақидаги меъёр Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилди. Бир сўз билан айтганда, оиланинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, соғлом оилани шакллантиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилди.

Келгуси йилда бу борадаги ишлар янада такомиллаштирилиши, ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга кўмак, имтиёз ва имкониятлар бериш, уй-жой билан таъминлаш, оила қўрғонининг чароғбони саналган хотин-қизларнинг оғирини енгил қилиш сингари қатор вазифаларнинг бажарилиши халқимиз турмуш даражасининг янада фаровонлашишига хизмат қилади. Буларнинг барчаси жамиятимизнинг асосий бўғини ҳисобланган оилага доимий эътибор берилаётганидан далолат.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор.

Олтинбек МАНСУРОВ,
жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар суди судьяси

Fuqarolik qonunchiligi

Бола ҳуқуқлари суд ҳимоясида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Президентимиз ташаббуси билан 2012 йилнинг **«Мустаҳкам оила йили»** деб эълон қилингани жамиятимизда воя-га етмаганлар, содда қилиб айтганда, болаларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалаш даражасини янада ошириш энг муҳим вазифалардан ҳисобланишини англатади.

Айтиш керакки, юртимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга катта эътибор берилишининг замирида ҳам ёш авлоднинг келажакда етук инсон бўлиб улғайиши учун унга ғўдаклигидан мукаммал тарбия беришдек эзгу мақсад мужассамдир. Зеро, ҳар бир халқнинг келажаги вояга етаётган авлодга бевосита боғлиқдир.

Мамлакатимизда болалар ҳуқуқ ва мажбуриятларига бўлган эътибор Асосий қонунимизда ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, Конституциямизнинг 64-моддасида ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Бундан ташқари Жиноят кодексининг 122-моддасида моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни уч ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик жавобгарликка сабаб бўлиши белгилаб қўйилган.

Бироқ ҳаётда зиммасидаги оталик бурчини бажаришдан бўйин товлайдиган кимсалар ҳам учраб туради. Мисол учун жиноят ишлари бўйича Нишон тумани судида А.Жовлиевга оид жиноят иш кўриб чиқилди. Суд ҳукмига кўра, фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судининг ҳал қилув қарорига асосан А.Жовлиевдан собиқ турмуш ўртоғи З.Обидованинг фойдасига бир нафар вояга етмаган фарзандининг таъминоти учун иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1.4 қисми миқдорида алимент ундириш белгиланган. Бироқ А.Жовлиев алимент пулларини тўлашдан бир йил мобайнида бўйин товлаб келган. Шунинг учун у Жиноят кодексининг 122-моддаси, 1-қисми билан айбдор, деб топилиб, тегишли жавобгарликка тортилди ва тўланмаган алимент пуллари суд томонидан ундириб берилди.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда ҳар бир фарзанд, унинг ҳақ-ҳуқуқларининг ҳимояси доимий ҳимояда. Бу болажон халқимизнинг табиатига ҳам хос бўлиб, мамлакатимизда эркин фуқаролик жамияти асослари энг аввало, инсон манфаатларига уйғун эканлигини кўрсатади.

Жасур НОРҚОБИЛОВ,
жиноят ишлари бўйича Нишон тумани судининг раиси

Ҳаётда баъзан кутилмаган воқеа-ҳодисалар ҳам учраб туради. Муҳими, бундай вазиятда киши барча жиҳатларни инобатга олган ҳолда иш тутиши кейинчалик ортиқча оворагарчиликларга ўрин қолдирмайди. Сариосиёлик Ҳамробиби опанинг ҳам қаровсиз қизалоқни ўз тарбиясига олгани, унга меҳр кўрсатгани, оқ ювиб-оқ тарагани жуда хайрли иш бўлган эди. Аммо у соддалик қилиб, қизчанинг шахсини ўз вақтида қонуний ҳужжатлаштирмаган эди...

Turmush chorrahalarida

Қонун — адолат мезони

бинобарин, унга амал қилган киши ҳеч қачон ютқазмайди

Гап шундаки, бундан анча йил муқаддам юмуш билан кўчага чиққан Ҳамробиби опа дарвозаси ёнида совуқдан қалтираб турган қизалоқни кўриб қолди. Унинг бундай туришидан таажжубланиб, теварак-атрофга назар солди, аммо ҳеч кимни кўрмади. Бундан ҳайрати янада ошиб, қизчага яқинлашди.

— Ҳа, қизим, нега совуқда бундай юрибсан? Кимнинг қизисан ўзи?

Қизалоқ кўзларини жавдираганича, Ҳамробиби опага қараб тураверди.

— Нега гапирмайсан? — деди Ҳамробиби баттар ҳайрон бўлиб. — Отинг нима?

— Мадина, — жавоб берди қизалоқ совуқдан титрабгина, сўнг пиқиллаб йиғлаб юборди.

Ҳамробиби унинг адашиб қолганини, ҳозир сўрагани билан жўяли жавоб ололмаслигини билиб, юмушини ҳам унутганча, дарров қизалоқни иссиқ уйга олиб кирди, меҳрибончилик кўрсатди.

Шундан сўнг Ҳамробиби опа кўни-қўшниларга учраб, Мадина ва унинг ота-онаси ҳақида сўраб-суриштирди. Аммо қизчани танийдиган киши ҳам ёхуд фарзандини йўқотган оилалар тўғрисида бирон-бир хабар эшитган одам ҳам чиқмади. Қизалоқнинг ҳаётига лоқайд қарай олмаган Ҳамробиби опа ички ишлар бўлимига хабар берди. Аммо ички ишлар бўлими қидирув рўйхатида ҳам бедарак йўқолган қизча ҳақида маълумот йўқ эди. Қисқаси, туман ички ишлар бўлими маъмурияти ҳамда маҳалла оқсоқоллари қизчани вақтинча Ҳамробиби опанинг қарамоғида қолдиришди.



Шундан сўнг орадан анча йил ўтди. Бу орада Мадинанинг яқинларидан бирон-бир дарак чиқмади. Ҳамробиби опа эса, қизалоқни ўз фарзандидай парвариш қилди, Мадина ҳам унга меҳр қўйиб, ўрганиб қолди. Шундай қилиб, бу оилага яна бир фарзанд қўшилди.

Бироқ Ҳамробиби опа соддалик қилиб, Мадинага туғилганлик ҳақида гувоҳнома олишни унутиб қўйган, ҳатто уни мактабга ҳам бермай, ёзув-чизувни уйида ўзи билганича ўргатган эди. Орадан йиллар ўтиб, улғайиб қолган Мадинани бошқа тенгқурлари қатори тикувчига шогирдликка берди.

Қисқаси, барчаси рисоладагидай давом этаётган эди. Ҳамма оворагарчиликлар Мадина фуқаролик паспортини олиш учун туман ички ишлар бўлимига мурожаат қилганида юзага чиқди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Газетхон савол беради...

Muloqot

— Айтинг-чи, кўчмас мол-мулк сотиш шартномаси қандай тартибда тузилади?

Р.БАҲРИЕВ,
Улуғнор тумани

— Фуқаролик кодексининг 84-моддасига асосан, кўчмас мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, бу ҳуқуқларнинг вужудга келиши, бошқа шахсларга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Кўчмас мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилганда мулкдорларга кўчмас мол-мулкка нисбатан мулкдор эканлиги ҳақидаги ҳужжат бериш, шунингдек, кўчмас мулк мулкдорини махсус давлат реестрида қайд қилиш орқали амалга оширилади. Кўчмас мол-мулкнинг сотувчиси, бинобарин, мулкдор сифатида тегишли ҳужжатга эга бўлиши, кўчмас мол-мулкнинг ўзи ва мулкдори давлат реестрида рўйхатдан ўтган бўлиши шарт. Акс ҳолда, у кўчмас мол-мулк олди-сотди шартномасида сотувчи сифатида қатнаша олмайди. Фуқаролик кодексининг 480-моддасига асосан, кўчмас мол-мулкни сотиш шартномаси тарафлар имзолаган ёзма шаклдаги битта ҳужжат тарзида тузилади. Бинобарин, бунда ҳужжатларни алмашиш йўли билан шартнома тузиш мумкин эмас. Юқоридаги талабга риоя қилмаслик шартноманинг ҳақиқий эмас, деб топилишига олиб келади.

— Мен турмуш ўртоғим билан ажрашганман. Анча вақтдан буён собиқ турмуш ўртоғим фарзандларимизга алимент тўлашдан бўйин товлаб келмоқда. Айтинг-чи, бунинг учун қонунчилигимизда жавобгарлик белгиланганми?

Р.ИСМОИЛОВА,
Мирзо Улуғбек тумани

— Суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорига кўра, моддий ёрдамга муҳтож болаларни ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни боқиш учун маблағ ота-оналардан ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслардан ундирилиши лозим бўлса, аммо улар моддий таъминлашдан бўйин товласа, Жиноят кодексининг 122-моддаси асосида жавобгарлик юзага келади.

Саволларга юридик фанлари номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.

Унутиш

жиноий жавобгарликка сабаб бўлади

Лекин кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай ҳамон айрим ҳайдовчилар томонидан бу борада масъулият унутилиб қўйилмоқда.

Мисол учун айтадиган бўлсак, жорий йилнинг июнь ойида Бурҳон дўстлари билан чойхонада зиёфат уюштиради. Аммо у машина бошқариб келганига қарамай улфатлари билан баб-баравар спиртли ичимлик истеъмол қилади.

Тунги соат ўн иккилар чамаси, ҳамма кетишга тайёргарлик кўра бошлаганда аллақачон сархуш бўлиб қолган Бурҳон барчани ўзининг машинасида уйма-уй ташлаб келишини айтади. Албатта, мастликда ундан қолишмайдиган улфатлар ҳам унинг таклифини «қарсак»лар билан кутиб олишади.

...Йўлда бир текис ҳаракатланмаётган

"Нексия" русумли автомашинани йўл-патрул хизмати ходимлари тўхтатишади. Машинадан зўрға тушган Б.Абдуҳалимов тиббий кўрикдан ўтказилганда спиртли ичимлик таъсирида маст эканлиги аниқланди. Бундан ташқари у транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларсиз машина бошқариб келаётган экан.

Шундай қилиб, Б.Абдуҳалимов амалдаги **"Йўл ҳаракати қоидалари"**нинг 3.6 ва 3.1-бандларини бузган. Яъни транспорт воситасини маст ҳолатда ва транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларсиз бошқарган.

Суд Б.Абдулҳалимовни Мамурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 131-моддаси 2-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган, деб топди. Унга нисбатан жазо тайинлашда оилавий шароитини, содир қилинган ҳуқуқбузарликнинг сабаб ва оқибатини инобатга олиб, ўртача ойлик иш ҳақининг 15 баравари миқдорида жарима жазоси тайинлади.

Шу ўринда яна мисолларга эътибор қаратсак, 2011 йилнинг 9 ойи давомида туман суди томонидан 105 нафар шахсга нисбатан 104 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилди. Уларнинг 30 нафарига нисбатан маъмурий жарима қўлланилган. 73 нафар шахс транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган, 2 нафар шахсга нисбатан эса маъмурий қамоқ жазоси белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, йўлларда ҳушёрликни йўқотмаслик, қонунда белгилаб қўйилган тартиб-қоидаларга риоя этиш, энг аввало, ўзимизнинг, қолаверса, ўзгаларнинг ҳам хафсизлиги гаровидир. Шундай экан, машина бошқараётган ҳар бир ҳайдовчи ўзи ва йўловчиларнинг хавфсизлигини ўйлаши даркор. Бу масъулият ҳиссини унутиш эса, охир-оқибат суднинг қора курсисига ўтириш билан якун топади.

Отабек МАМАЖАНОВ,
жиноят ишлари бўйича Олтинкўл тумани судининг раиси

Жамият барқарорлигини таъминлаш, тинчлик-осойишталикни асраш, унга путур етказувчи омилларни бартараф этиш ҳар бир давлатнинг энг муҳим вазифалари сирасига киради. Шу маънода гиёҳвандлик иллати ва унинг ноқонуний олди-бердисига қарши курашиш ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Giyohvandlik — asr vabosi

Тўғри йўлдан адашиш

охир-оқибат эл-юрт орасида бошни ҳам қилади

Мамлакатимизда гиёҳвандлик иллатига қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари тўлиқ шакллантирилган. Жумладан, Жиноят кодексида гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний олди-сотдиси учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Бироқ шунга қарамай, айрим кимсаларнинг бу иллат домига тушиб қолаётгани ачинарлидир.

Маълумки, гиёҳвандликка ружу қўйиш инсон саломатлигига кескин хавф туғдиради. Бошқача айтганда, гиёҳванд моддалар таъсирида киши бангига айланади...

(Давоми тўртинчи бетда)

Hikmat

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Одамларни ҳурмат қилиш — ўзини ҳурмат қилишдир.

* * *

Аёлни улуғламоқ — аллани, Ватанни, ҳаётни улуғламоқ демакдир.

* * *

Виждон олижаноб инсоннинг одил ҳакамидир.

* * *

Фикр қила-қила донишманд бўлур.

* * *

Ҳуқуқини билган ютқазмайди.

* * *

Тафаккур — донишманд қалбининг тириклиги.

* * *

Яхши фазилат бутун умрга етадиган бойликдир.

* * *

Туғилган кунида фарзандига китоб совға қилган ота-она энг улуғ, ибратли зотдир.

* * *

Ким ўз сирини беркитса, яхшилик унинг қўлидадир.

* * *

Қаноат меваси — роҳат, камтарлик меваси — муҳаббат.

2012 yil — «Mustahkam oila yili»

Оила — жамият пойдевори

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шунингдек, марказимиз томонидан вилоят хотин-қизлар қўмитаси, «Саломатлик институти»нинг филиали, «Соғлом авлод учун» жамғармаси ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда жойларда ўтказилаётган «Шарқ аёли — одоб тимсоли», «Қўли гулдир ўзбек аёлин», «Аёл билан олам мунаввар» каби бадиий-маърифий тадбирларда намунали оилаларининг яхши анъаналари кенг тарғиб қилинмоқда.

Бу тадбирларни ўтказишдан мақсад, аввало, оилаларга амалий ёрдам кўрсатишдир. Ана шундай ишлар самарасида кейинги йилларда хотин-қизларнинг ҳуқуқий, тиббий билимлари анча бойиди. Мен олий ўқув юртлари, қишлоқлар ҳамда маҳаллаларда ташкил этилган «Оила — муқаддас қўрғон», «Биз соғлом турмуш тарафдоримиз», «Бола тарбиясида онанинг ўрни», «Соғлом фарзанд — соғлом келажак» каби мавзулардаги йиғин ва давра суҳбатларини таҳлил қилиб, аҳолининг билим ва дунёқараши бундан 10-15 йил илгаригига қараганда анча юксалганидан хурсанд бўламан.

Ўтган йили марказимиз томонидан репродуктив саломатлик бўйича Жиззах шаҳри, Фориш, Ғаллаорол, Дўстлик туманларида истиқомат қиладиган туғиш ёшидаги аёллар ўртасида ўтказилган сўровномаларга берилган жавоблар ҳам аҳолининг тиббий саводхонлик даражаси кескин ошганлигини кўрсатди. Айниқса, ёшларимиз оилавий ҳаёт масаласига жиддий ёндашаётгани кишини қувонтиради. Бу давлатимиз томонидан соғлом авлодни вояга етказиш йўлида қилинаётган кенг кўламли ишлар самарасидир.



Ташкил этилаётган тадбирларда халқона урф-одат ва маросимларимиздан ҳам маърифий тарғибот воситаси сифатида унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқдамиз. Масалан, «Қўша қариб, қадр топганлар» мавзусида ўтказилаётган учрашувларда ёшлар 40-50 йил бирга тотув, аҳил яшаб, қобил фарзандлар ўстирган оилаларнинг ҳаётий тажрибалари билан таништирилмоқда. Халқимизнинг оилани пок ва соғлом асраш бўйича асрий анъаналарини муносиб давом эттириб келаётган бундай садоқатли жуфтликлар ҳаёт йўлларининг ёшлар ибрат олса, арзигулик жиҳатлари жуда кўп.

Шу мақсадда «Ибратли келин», «Энг намунали оила» кўрик-танловлари ўтказилди. Ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда қишлоқлардаги оилаларнинг, хотин-қизларнинг турмуш маданиятини, ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган ишлар ҳам ўз самарасини бермоқда. 2011 йилнинг ўтган даврида марказимиз томонидан юздан зиёд нотинч оилаларнинг муаммоларини ҳал этишга кўмаклашилди, эҳтиёжманд оилаларга амалий ёрдам кўрсатилди.

Шу ўринда хотин-қизларни спортга жалб этишга берилаётган катта эътибор оилаларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётганини ҳам айтиб ўтмоқчиман. Ҳар йили ўтказиб келинаётган «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи», «Тўмарис» хотин-қизлар спартакиадаси, ҳалқ ўйинлари фестивалларининг дастлабки саралаш босқичларини маҳалла ва қишлоқлардан бошланаётгани яхши самара бераётир.

Мустаҳкам оила йилида катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бундай тадбирларнинг самарадорлигини ошириш бўйича янада кўп ишлар қилинади.

Бу бизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди.

2012 йилнинг Мустаҳкам оила йили деб эълон қилиниши «Давлатнинг мустаҳкам бўлиши ҳар бир оиланинг мустаҳкам бўлишидир» деган шарқона ҳикматга жуда ҳам мос келиши билан янада аҳамиятлидир. Оилани мустаҳкамлаш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишнинг асосий шарти эканлигини тобора кўпчилик теран англаб етаётир. Бу эзгу мақсад йўлидаги ишлар Мустаҳкам оила йилида янги, янада юқори босқичга кўтарилиши, шубҳасиз.

Фароғат САТТОРОВА,
Республика «Оила» илмий-амалий марказининг Жиззах вилояти бўлими директори.
ЎзА

Turmush chorrahalarida

Қонун — адолат мезони

бинобарин, унга амал қилган киши ҳеч қачон ютқазмайди

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Чунки Мадинага фуқаролик паспортини бериш учун унинг шахсини белгиловчи асосли ҳужжат йўқ эди.

Шундан сўнг Ҳамробиби опа кеч бўлса-да, ўз хатосини англаб етиб, туман ФҲДЁ бўлимига учради. ФҲДЁ бўлими ходимлари опага судга мурожаат этишни маслаҳат беришди.

Шундан сўнг Ҳамробиби опа судга мурожаат этди. Суд тақдим этилган ҳужжатлар билан танишиб чиқди ва Мадина иштирокида даъвогар Ҳамробиби Шарипова ҳамда гувоҳларнинг фикрларини муҳокама этиб, қонуний тўхтамга келди.

Фуқаролик процессуал кодексининг 283-моддаси 4-бандига кўра, **«болаликка олиш, никоҳ, ажралиш ва ўлимнинг қайд этилганлик фактини»** ҳамда шу кодекснинг 10-бандига асосан, **«юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни тасдиқлайдиган тегишли ҳужжатларни бошқача тартибда олиш мумкин бўлмаган ёки йўқотилган ҳужжатларни тиклашнинг иложи бўлмаган тақдирда суд бу фактларни аниқлайди».**

Ушбу қонун талабига биноан, суд Ҳ.Шарипованинг даъвосини қаноатлантириб, Сариосиё тумани ФҲДЁ бўлимига нисбатан «фарзандликка олиш ва туғилганлик гувоҳномаси ёзиб бериш» мажбуриятини юклади. Шунингдек, Сурхондарё вилояти суд-тиббиёт экспертиза бюроси экспертлари томонидан 2011 йил 26 августда тақдим этилган экспертиза хулосаси асосида Мадиннинг 1995 йилда туғилганлиги эътироф этилди ва «Ҳусаинова Мадина Ражаб қизи», деб унинг фуқаролик ҳолатларини қонуний ҳужжатларда қайд этиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди.

Мухтасар қилиб айтганда, ҳаётда қонунга таянган киши ҳеч қачон адашмайди. Зеро, ҳуқуқий-демократик жамиятда қонун устуворлиги таъминланади. Бу эса, қонун барчага баробар эканлигини англатади.

Шуҳрат ШОДИЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Сариосиё туманлараро судининг раиси
Абдунаби БОБОЁРОВ,
«Куч – адолатда» мухбири

Maslahat

Ҳақиқий битим

нотариал ҳаракатлар орқали расмийлаштирилади

Маълумки, битимлар, васиятномаларни тасдиқлаш, эр-хотиннинг умумий мол-мулкдаги улуши, меросхўрга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш, айрим ҳужжатларни шаҳодатлаш ва тасдиқлаш, шунингдек, қонунда кўзда тутилган бошқа нотариал ҳаракатлар нотариуслар томонидан амалга оширилади.

Зеро, нотариал тартибда расмийлаштирилган битим ҳақиқий ҳисобланади. Буни Олий суд Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги **«Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини тадбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида»**ги қарордан ҳам билиш мумкин. Чунки ушбу қарорнинг 4-бандида **«Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 112-моддасига мувофиқ битимнинг қисман ёки тўлиқ бажарилганлиги ҳақидаги ёзма далиллар мавжуд бўлганда ёхуд жавобгар томондан битим тузилганлиги тан олинганда судлар ҳар қандай битимларни эмас, фақатгина қонунда нотариал тасдиқланиши ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши талаб қилинадиган битимларни ҳақиқий деб топишлари мумкинлигига судларнинг эътибори қаратилсин»** деган раҳбарий тушунтириш берилган.

Энди мақсадга ўтадиган бўлсак, битимлар қонунда белгиланган ҳолларда ва тарафлардан бирининг талаби бўйича нотариал тасдиқланиши шарт. Ер участкалари ва бошқа кўчмас мол-мулк билан боғлиқ битимлар давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиши лозим.

Битимнинг нотариал шаклига ёки уни давлат рўйхатидан ўтказиш талабига риоя қилмаслик битимнинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади. Бундай битим ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди. Борди-ю, тарафлардан бири нотариал тасдиқлаш талаб қилинадиган битимни тўлиқ ёки қисман бажарган бўлса, иккинчи тараф битимни нотариал расмийлаштиришдан бош тортса, суд битимни бажарган тарафнинг талаби бўйича уни ҳақиқий деб топиши мумкин. Шундан сўнг битимни нотариал расмийлаштириш талаб қилинмайди.

Ҳар бир фуқаро ёки юридик шахс нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун ўзи хоҳлаган нотариусга мурожаат қилиши мумкин. Нотариал ҳаракатлар нотариал идора биносида расмийлаштирилади. Агар фуқаро узрли сабабларга кўра, нотариал идорага келолмайдиган бўлса, бу иш нотариал идорадан ташқарида бажарилиши мумкин.

Нотариал ҳаракатларни амалга оширишда нотариуслар томонидан мурожаат қилувчиларнинг шахси, ҳуқуқ ва муомала лаёқати аниқланади. Нотариал гувоҳлантириладиган барча ҳужжатлар нотариус иштирокида имзоланади.

Баъзан нотариал ҳаракатларни бажариш чоғида айрим фуқаролар томонидан қонун талаблари бузилиш ҳолларига дуч келиниши мумкин. Бундай ҳолда тегишли ташкилотларга ёки прокурорга хабар берилади.

Қисқаси, нотариал тартибда расмийлаштирилган битимгина ҳақиқий ҳисобланади. Қонун талабига таянганлар эса, ҳеч қачон кам бўлмайди.

Абдурафиқ ҲАЙДАРОВ,
Мирзачўл тумани давлат нотариал идораси нотариуси

Giyohvandlik — asr vabosi

Тўғри йўлдан адашиш

охир-оқибат эл-юрт орасида бошни хам қилади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Афсуски, гиёҳвандлик иллати соғлом кишининг ҳаётини зулматга айлантириши, қоларса, бундан унинг оила аъзоларининг ҳам жабр чекиши гиёҳвандлик воситалари ноқонуний савдосига қўл урадиган баъзи кимсаларни чиркин йўлдан қайтаролмаяпти. Масалан, жиноий гуруҳ тузган Норқувват Раимов ва унинг шериклари Йўлдош Ермаганбетов, Қурбон Сариқулов айни шу тоифадаги кимсалардир. Уларнинг ургутлик ҳамтовоқлари Нозим ва Аҳад Полвоновлар, Раҳим Асроров, Мўмин Маҳкамов ва Асадилла Хўжамов ҳам ҳалол меҳнат билан кун кечириш ўрнига ноқонуний йўлни афзал билиб, хато қилганлардан.

Нозим Полвонов анча пайтдан буён Хўжайли ва Қўнғирот тумани деҳқон бозорларида қуруқ мева савдо-сотиғи билан шуғулланиб келаётган эди. У Норқувват Раимов билан ҳам шу ерда танишди.

2010 йилнинг 25 июль куни Норқувват Нозимнинг таклифига кўра, унинг укаси Аминнинг никоҳ тўйида қатнашиш учун Ургут туманига йўл олди. У шу ерда бу иллатнинг домига илинди. «Йўлини қилсанг, гиёҳвандлик олди-бердисидан фойда олиш мумкин», — деди Раҳим Асроров. Аммо у бу ишнинг жиноят экани, гиёҳвандлик иллати инсон умрини хазон қилиши ҳақида чуқ этиб оғиз очмади. Аксинча, Норқувватни илинтириш пайига тушди:

— Харидор топсанг, юбориб турамиз, — деди у.

Буни қарангки, Норқувват ҳам ушбу «таклиф»ни рад этиш ўрнига Нукусга ўзгача мақсад билан қайтиб келди. Бу ерда у Йўлдош Ермаганбетов ва Қурбон Сариқуловни топди.

Норқувватнинг таклифига биноан 2010 йил август ойи охирларида Раҳим Асроров ўрик солинган қутига яширилган 1,5 килограмм гиёҳвандлик воситасини уларга етказади. Ўз навбатида, Норқувват уни Йўлдош билан Қурбонга беради.

Йўлдош ва Қурбон ҳам ўзларига «ҳамкор» топишган эди. Шуманайлик Оғамурод Аллашов улар келтириб берган гиёҳвандлик воситасини қайтармай олаверди. Шу тариқа Раҳим Асроров сентябрь ойи бошлари ва охирида яна 4,5 килограмм гиёҳвандлик воситасини юборди. Ўз навбатида, нариги томондаги ҳамтовоқлар 24.750.000 сўмни санаб беришди.

Норқувват қилаётган ишининг оқибатини яхши билса-да, аммо келаётган мўмай даромад унинг кўзларини кўр қилиб қўйганди. Шунинг учун ҳам у ҳамтовоқларидан октябрь ойи бошларида 2,5 килограмм, шу ойнинг ўрталарида 3 килограмм гиёҳвандлик воситасини қабул қилиб олди. Бунинг эвазига Нозим Полвонов аввал 13.750.000 сўм, сўнг 35.500.000 сўм санаб олди.

2010 йилнинг ноябрь ойида Нозим Полвонов жиноий гуруҳнинг яна бир аъзоси Самад Асроров орқали 8 килограмм опий ва 100 грамм героин гиёҳвандлик воситасини етказиб берди. Шу тариқа қинғир иш давом этгани сайин жиноий гуруҳ доираси ҳам кенгайиб борди. Аввалига Мўмин Маҳкамов, сўнг Асадилла Хўжамов жиноий гуруҳга қўшилди.

«Шаҳар бедарвоза эмас», дейди кўпни кўрган кексаларимиз. 2010 йилнинг 19 декабрида ушбу жиноий гуруҳнинг навбатдаги «олди-берди»си фош этилди. Аниқланишича, Аҳад Полвонов жияни Мўмин Маҳкамов орқали Асадилла Хўжамовдан 3.100 грамм гиёҳвандлик воситасини сотиб олиб, уларни қутиларга жойлаштирилган мева орасига яширади. Сиртдан қараганда, худди мевалар жойлаштирилгандек таассурот уйғотадиган бу қутилар Амин Полвонов қузатувида Нукусга жўнатилади. Аммо юк манзилга етиб бормайди...

Сабаби, Ромитан тумани ҳудудидаги «Чандир» йўл-патрул хизмати ходимлари томонидан «Самарқанд-Нукус» йўналиши бўйича ҳаракатланаётган «Мерседес-бенц» русумли автобус тўхтатилганида майиз солинган қутилар ичидан 2973 грамм гиёҳвандлик воситаси топилади...

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан олиб борилган тезкор суриштирув тадбирлари натижасида Хўжайли шаҳри, Ғулистон кўчаси 25-уйда вақтинча яшаб келаётган Нозим Полвонов қўлга олинади. Норқувват Раимовнинг ҳам ёнидан 5,42 грамм, Йўлдош Ермаганбетовга тегишли машинадан эса 4,2 грамм гиёҳвандлик воситаси топилади.

Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти судида заҳри қотил сотувчиларига нисбатан одилона ҳукм ўқилди.

Сўзимиз аввалида айтганимиздек, жамият тинч ва осойишталик ҳукм сургандагина гуллаб-яшнайди. Бинобарин, ҳаётимизнинг барқарорлиги учун барчамиз бирдек масъул эканимизни унутмаслигимиз даркор. Бу бурчимизни эса доимо огоҳ яшаш, осуда турмушимизга дахл қилувчи иллатларга, чунончи, гиёҳвандлик балосига қарши муросасиз курашиш йўли билан амалга оширмоғимиз лозим.

Учқун РЎЗИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти суди судьяси
Валижон ЮСУПОВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, меҳнат фахрийси

Ғаффор НУРМУҲАМЕДОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

Sirli olam

Хотира ғаройиботлари

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Хаёлан ҳисобловчиларнинг ноёб қобилиятини психологлар "гипермнезия" деб аталувчи ўта кучли хотира асосида изоҳлашади. Тўғри, бу ўринда фавқулодда улкан хотира иштирок этаётгани аниқ, аммо бу ҳодиса моҳиятини фақат хотиранинг кучи билангина изоҳлаш мушкул.

XIX асрнинг машҳур математиги Карл Фридрих Гаусс ҳаётдан эрта кўз юмган, аммо у қисқагина умри давомида электр назарияси соҳасидаги тадқиқотлари билан фан тараққиётига катта ҳисса қўшишга улгурди. Ҳикоя қилишларича, у болалигида отасининг ишчиларга ҳақ тўлашини кузатиб ўтирарди. Бир куни отасининг ҳисоб-китобларига қараб ўтирган уч ёшли гўдак: «Ота, нотўғри ҳисобладингиз. Натижа мана бундай чиқиши керак», — дейди. Қайтадан ҳисоблаганда боланинг айтгани тўғрилигини билиб, ҳамма ҳайратда қолади!

Югославиянинг Зренянина шаҳрида яшовчи Борислав Гажанский ҳам шундай ноёб қобилиятга эга бўлган. 11 ёшли бу болакай олий математиқани олий ўқув юрти дастури доирасида билар ва мураккаб математика ҳисоб-китобларини хаёлан бажарарди.

Айтиш керакки, бу ғаройиб қобилият кишида жуда барвақт ёки жуда кеч уйғонишидан қатъий назар доимо тўсатдан, ўз-ўзидан пайдо бўлади. Одам гўёки бир лаҳзада ўзгариб қолгандек туюлади. Истеъдод эгаси баъзан бошқа барча соҳаларда "қолоқ" бўлади, бироқ сонлар орасида ўзини сувдаги балиқдек сезади.

Хўш, мўъжиза-ҳисобловчиларнинг келгуси ҳаёти қандай кечади?

Одатда, уларнинг бу қобилияти умри давомида узлуксиз такомиллашиб боради. Бироқ шундай ҳолатлар ҳам учрайдики, ноёб хотира эгаси бошқалардек таълим олиши билан аввалги кучли хотираси аста-секин йўқолиб кетади. Масалан, Ампердек йирик олим классик математика соҳасидаги билимлари кенгайгани сари ёддан ҳисоблаш қобилиятидан маҳрум бўла бошлайди. Ва аксинча, Гаусс ва Эйлер ноёб қобилиятини бир умрга сақлаб қолишган.

Йигирма ёшидаёқ астрономия профессори даражасига етишган Трумен Стаффорд 10 ёшида 36 рақамдан иборат сонни хаёлан бир дақиқа ичида кўпайтира оларди. Аммо математика фани сир-асрорларини ўргана бошлагач, у қобилиятининг катта қисмидан маҳрум бўлди. XIX асрда Дублин шаҳрида яшаган ва 5-8 ёшларида ёддан ҳисоблаш бўйича донг таратган архиепископ Ричард Уотли ҳам махсус билимга эга бўлгач, шу ҳислатини йўқотади.

Шуниси ғалатики, мўъжиза-ҳисобловчиларнинг аксарияти хаёлан қандай ҳисоблашлари тўғрисида умуман ҳеч қандай тасаввурга эга эмас. "Бу жараён қай тариқа кечишини ёлғиз худо билади!" — дейишади улар. Бу жавобнинг ажабланарли жойи йўқ. Чунки айрим ҳисобловчилар мутлақо маълумотсиз одамлар бўлишган.

Математик ва психолог олимлар бундай кишиларга ҳамиша катта қизиқиш билан қарашган, уларнинг қобилияти сирини билишга уринишган. Бироқ бундай қобилиятга эга кишилар ўз қобилиятини тушунтириш учун берган изоҳлар эса, ҳаддан зиёд ҳайратланарли эди. Масалан, Урания Диамондининг айтишича, унга рақамларнинг «ранги» ёрдам берар экан. 0 – оқ, 1 – қора, 2 – сариқ, 3 – қирмизи, 4 – жигарранг, 5 – кўк, 6 – тўқ сариқ, 7 – оч кўк, 8 – кулранг-зангори, 9 – қорамтир-кўнғир тусда... Ҳисоблаш жараёни эса, Уранияниинг назарида, ана шу рангларнинг чексиз симфониясидан иборат экан.

Инодининг усули эса, жуда оддий бўлган. Назарида, кимнингдир овози унинг ўрнига ҳисоблаётгандек туюлар ва токи шу ички овоз барча амалларни бажариб бўлгунича Инодининг ўзи ё суҳбатни давом эттирган ёки анча енгилроқ ҳисобларни бажарган ёхуд флейта чалиб турган. Морис Дагбер эса, ақлбовар қилмас ёддан ҳисоблашни скрипкада куй ижро этаётиб, амалга оширган.

Ўтган асрнинг 80-йилларида Франциянинг Лилл шаҳрида физиклар, муҳандислар, кибернетиклар, математиклар ва психологлардан иборат нуфузли ҳакамларнинг кўз ўнгида Морис Дагбер секундига миллионга яқин амални бажарадиган ЭҲМ билан мусобақага киришади.

— Агар мен ўнта вазифани бажаргунимча машина еттита вазифани олдинроқ бажара олса, ўзимни ютқазган ҳисоблайман! — дея эълон қилди у. Хўш, бу антиқа баҳс қандай якун топди? Дагбер ўнта вазифанинг ҳаммасини 3 дақиқа-ю 43 сония ичида бажаргани ҳолда электрон машинанинг еттита вазифани амалга ошириши учун 5 дақиқа-ю 18 сония кетди. Бу — инсон мияси ва хотирасининг электрон техника устидан яққол ғалабаси эди, албатта!

Шундай мусобақа Украина Фанлар академиясининг Кибернетика институтида ҳам ўтказилган. Бу баҳсда Политехника институтининг аспиранти Игор Шелушков ҳамда иккинчи томондан "Мир" электрон-ҳисоблаш машинаси қатнашади. Мусобақага нуфузли мутахассислар — математик дастурлаш бўлимининг раҳбари бўлган профессор ва бир гуруҳ ходимлар ҳакамлик қилишди. Кудратли техника билан баҳсда бу сафар ҳам инсон ғолиб чиқди!

Шундан кейинги даврларда мўъжиза-ҳисобловчилар машина билан беллашувни давом эттиришса ҳам, ўз қобилиятларини оммавий тарзда намойиш этишни камайтириб юборишди. Бу истеъдоддан амалий ишларда фойдаланиш, илмий тадқиқотлар уларни кўпроқ қизиқтирарди. Мисол учун Дагбер математика билан шуғуллана бошлади, Шелушков шу соҳада дарс беришга ўтди.

Ҳиндистон университетларидан бирида ҳам инсон билан машина ўртасида мусобақалар бўлиб ўтган ва уларда Шакунтала Деви қатнашган. Бир куни у «ЮНИВАК-1108» номли кудратли компютер билан баҳсга киришади. Берилган вазифага кўра, 201 та рақамдан иборат бўлган сондан 23-даражали илдиз чиқариш керак эди. Шу сонни ёзиб чиқишнинг ўзига 4 дақиқа кетди. Машина ҳисоблашни бошлаши учун унга 20 мингга яқин буйруқ киритилди. Улкан ЭҲМ бир дақиқадан кейин жавоб берди. Шакунтала Девига эса, бу мураккаб вазифани ҳал этиш учун 50 сония кифоя қилди.

Деви ҳам ноёб қобилияти орқали амалий фойда келтиришни истайди. У ҳинд банкларига миллиардлар билан боғлиқ ҳисоб-китобларда ёрдам берди, Ҳиндистон учун мушкул бўлган демографик муаммоларни ҳал қилишда жуда йирик қўламдаги ҳисоб-китобларни амалга оширди.

(Давоми келгуси сонда)

Т. КАМОЛОВ,
кимё фанлари номзоди

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФОЕВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шерали РАҲМОНОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Дилбар СУЮНОВА
Юлчибой ТУРСУНБОЕВ
Шоюнус ҒОЗИЕВ
Баҳриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Отабек САФАРОВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.
E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-1216. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 5527.
1 2 3 4 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 22³⁰